

ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИДА ИСМОИЛБЕК ГАСПИРАЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Бегимкулов З.А.

*Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш
ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали
“Спорт психологияси, ижтимоий-табиий фанлар” кафедраси
мудир, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент в.в.б.*

Таянч сўзлар: джадид, миллий уйғониш, ҳаракат, раҳнамо, усули жадид, дарслик, савод-хонлик, миллат, матбуот, миллий мактаб, мадраса, қорихона, маънавий тараққиёт, мактаб-маориф.

Ключевые слова: джадид, национальное возрождение, движение, лидер, метод Джадида, учебник, грамотность, нация, печать, национальная школа, медресе, монастырь, духовное развитие, школьное образование.

Key words: jadid, national revival, movement, leader, method of Jadid, textbook, literacy, nation, press, national school, madrasa, monastery, spiritual development, school-education.

Резюме:

Мазкур мақолада XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек мактабларида таълим тизимининг ислох этилиши, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг шаклланишида муҳим ўринга эга И.Гаспиралининг ўлкадаги миллий уйғониш даври маърифати ва маданиятига кўрсатган таъсири ҳамда унинг ўзбек жадидлари билан ўзаро алоқалари ёритилган.

Резюме:

В данной статье описывается реформа системы образования в узбекских школах в конце 19-начале 20 веков, влияние И. Гаспирали, сыгравшего важную роль в становлении движения джадидизма в Туркестане, на просвещение и культуру узбекского народа. период национального возрождения в стране и его взаимодействие с узбекскими джадидистами.

Summary:

In this article, the reform of the educational system in Uzbek schools at the end of the 19th century and the beginning of the 20th century, the influence of I. Gaspirali on the enlightenment and culture of the national renaissance period in the country, and his interaction with the Uzbek jadids, are highlighted.

Кириш. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазият-



да айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун курашга чорлаган жадид боболаримизни эслайлик” [1].

XIX охири ва XX аср бошларида Туркистонда жамиятнинг энг илғор фикрли қатламлари ҳисобланган янгиланишҳаракати намояндалари она Ватанни мустақил, озод ҳолда кўришни ўзларининг бош мақсадлари деб ҳисоблаганлар.

Миллий уйғониш ҳаракати намояндалари ҳисобланувчи жадидлар ўз халқининг эрки, озодлиги учун курашиб, илмсизликнинг тараққиётга келтираётган салбий таъсирини аниқ мисоллар билан кўрсатиб, ўз олдиларига халқни маърифатлаштириш мақсадини қўйганлар [3]. “Янгилик тарафдорлари” бўлган жадидчилар асосий эътиборларини жамиятда маънавиятни ривожлантиришга қаратдилар. Шунинг учун улар таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда мактабларда “Усул ул-жадид” ёки “Янги усул”ни татбиқ қилиш ва ривожлантиришга интилган. Чунки Туркистон жадидлари халқнинг саводхонлик даражасини юксалтирмасдан туриб, керакли натижага эришиб бўлмаслигини яхши тушунардилар. Бу йўлда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муъин, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби ўнлаб хур фикрлилар миллатни маънан уйғотиш йўлида фидокорона кураш олиб бордилар. Бу йўлда жадидчилик ҳаракати жамиятнинг барча қатламларини ўзларига жалб эта олди, уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, жадидлар маърифати ҳаракатида Туркистонга Қримдан келган, Россия жадидчилиги ҳаракатининг раҳнамоси, Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб таълимида чинакам инқилоб ясаган Исмоилбек Гаспирали (инқилобгача бўлган ўзбек матбуотида у “Гаспирински” деб берилган)нинг алоҳида ўрни бор. *Ҳаётлик вақтидаёқ “миллат отаси” деган номга сазовор бўлган Исмоилбек Гаспирали XX аср бошларида нафақат Россия мусулмонлари, балки бутун Шарқда машиҳур ва номи чиққан шахслардан бири эди.*

Исмоилбек Гаспирали 1851 йилнинг 21 мартада Боқчасарой яқинидаги, Гаспрадан унча узоқ бўлмаган Овчикўй қишлоғида туғилди. У тўрт ёшга тўлганида оиласи Боқчасарой шаҳрига кўчиб ўтади ва у ерда жойлашиб қолади. Манбаларда қайд этилишича, Исмоилбек Гаспирали дастлаб Қримдаги мусулмон диний мактабида, Симферопол давлат эркаклар гим-

назиясида, Воронеж ҳарбий билим юртида, кейинчалик Иккинчи Москва ҳарбий гимназиясида таҳсил олган.

Исмоилбек Гаспирали томонидан 1884 йилда Боқчасаройда дастлабки Россия мусулмонлари орасида биринчи жаҳид мактаби -“Усули жаҳид”га асос солинди. У томонидан ташкил этилган мазкур “Усули савтия тадрижия” (“Ривожланувчи товуш усули”) мактабидаги тизим, дарсликлари, ўқув методлари Европа таълим тизимига яқин бўлган. Гаспиралининг усули ўқувчилар саводининг тез чиқаришга мўлжалланган эди. У дастлаб 40 кунда 12 боланинг саводини чиқаради.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Манбалардан маълумки, Исмоил Гаспирали 1883-1914 йилларда Боқчасаройда “Таржимон” газетасини нашр эттирди. Маориф тизимини ислоҳ этиш борасидаги ғояларини “Таржимон” газетасида эълон қила бошлайди. Унинг фикрича, маориф тизими олдида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муаммоси турар эди:

- Мактаб мадрасадан ажралиб чиқиши керак;
- Бошланғич синфлар учун алоҳида ўқитувчилар тайёрланиши лозим;
- Ўқитувчи “садақа” эмас, ойлик маош билан таъминланиши зарур;
- Ўқиш ва ёзиш эски “ҳижжалама” йўли билан эмас, янги “Алифбо” китоблари воситасида ўргатилиши мақсадга мувофиқ;
- Фақатгина ўқиш эмас, шу билан бирга ёзишга ҳам аҳамият берилиши шарт;
- Қизлар учун ҳам алоҳида мактаблар очилиши, уларнинг ўқиш ва ёзишга алоҳида эътибор берилиши керак;
- Ўқитиш маълум бир дастур асосида ва дарсликлар воситасида олиб борилиши керак.

Кўриниб турибдики, Исмоилбек Гаспиралининг кўпгина фикрлари ҳаётий тажриба асосида тўпланган бўлиб, катта сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамиятга эгадир [7, 42-б].

“Хожаларга таълимот” (“Муаллимларга йўлланма”) қўлланмасида у янги мактабнинг моҳиятини ва “Усули қадим”дан “Усули жаҳид”нинг фарқи ва афзалликларини тушунтириб берди. Китобда, шунингдек, оддийдан мураккабга ёки хусусийдан умумийга юксалиш, ўқиш билан ёзишни қўшиб олиб бориш, ҳар бир ҳарфни товуш усули (усули савтия) асосида (яъни садоси билан, овоз чиқариб) ўргатиш, қуруқ ёдлатишдан воз кечиш, ҳар бир сўз, ҳар бир табиий ҳодисанинг ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг мазмунини тушунтириш, уй вазифалари ҳамда олинган билимларни текшириш учун саволлар бериш усули, синовдан ўтказиш ва имтиҳон қилиш усулининг моҳияти очиқ берилган. Исмоил Гаспирали ўз қўлланма-



сида мактабда болаларга неча ёшдан бошлаб таълим бериш лозимлиги (6-7-ёшдан), ўқув йили чоракларида ўқув соатларининг тақсимланиши ва чораклар оралиғидаги таътиллار, дарс жадвали тузиш ва дарслар оралиғида танаффуслар белгилаш тартиби, мактабнинг жойлашиши ва дарс хоналарининг ўрни, синфларни жиҳозлаш ва ҳатто уларни ёритиш даражаси тўғрисида ҳам сўз юритади. Бу қўлланма янги миллий мактабнинг ҳам дастури, ҳам модели эди. XX аср бошида бундай мактаблар бутун Туронзамин бўйлаб кенг тарқалди ва “Усули жаҳид мактаби” номи билан донг таратди [6].

Бокчасаройда дастлабки жаҳид мактаби -“Усули жаҳид”ни очган Исмоилбек Гаспирали мусулмон халқлари яшайдиган бошқа ҳудудларда ҳам шундай янги мактаблар фаолиятини жорий қилишга киришди. Шу мақсадда у Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбахга ўлка мусулмон мактабларини ҳам ислоҳ қилишга доир ўзи тайёрлаган лойиҳасини юборади. Ундан рад жавобини олгач, дастлаб 1893 йилда Туркистонга ўзи келади.

И.Гаспирали ўз мақсадларини амалга ошириш, яъни янги усул мактаблари очишни, ўзга мусулмон мамлакатларида ҳам маҳаллий аҳоли замонавий илм-фанни эгаллашини орзу қилган эди. Унинг туркий халқлар тақдиридан ташвишланиб: “Бир кишининг фожиасидан ларзага тушамиз, ёрдамга шошиламиз, лекин миллионларнинг фожасига, бутун бир халқнинг кўз ўнгимизда йўқ бўлиб кетаётганлигига бефарқмиз” [8] - деган фикрлари алоҳида эътиборга молик. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Исмоилбек барча туркий халқларни яхлит, ягона миллат деб билди.

Исмоилбек Гаспирали Туркистонга сафари чоғида Бухоро, Самарқанд, Тошкентда бўлиб, маҳаллий тараққийпарвар зиёлилар билан учрашувлар ўтказди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Туркистонда ҳам янги усул мактаблари вужудга кела бошлаган.

Усули жаҳид мактаблари Турон заминидан илк бор Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида пайдо бўлди. Уларни Исмоилбек Гаспиралининг ўзи бу ерга 1893 йилги сафари вақтида маҳаллий зиёлилар кўмагида очган эди. Унинг ҳамроҳи ва шогирди Мажид Ғанизода Самарқандда қирқ кун қолиб, “Усули савтия”ни (савод чиқаришнинг янги товуш усулини) қатор ўқувчи ва ўқитувчиларга ўргатди [6].Тарихий манбаларда Гаспиралининг Бухорода амир Абдулаҳадни жаҳид мактаби очишга кўндирганлиги ҳамда бу мактабга амир Абдулаҳадхоннинг марҳум падари ҳурматиға “Музаффария” номи берилганлиги қайд қилинади.

Исмоилбек томонидан “Усули савтия” методининг кашф этилиши ҳамда бу усулнинг Татаристон ва Туркистонга ёйилиши, кўпгина ўқитувчилар томонидан тан олиниши унинг обрўсини нихоятда ошириб юборди ва тарафдорлари кундан-кунга кўпайиб борди. Бундан руҳланган буюк муаллим ўз ғояларини, ўқитиш усулини тарғиб қилиш, газетасига обуначилар тўплаш, хусусан, Туркистон ҳаёти билан яқинроқ танишиш мақсадида 1893 йили Туркистонга келади. Аммо бу саёҳатидан аввал Туркистонни босиб олиш тарихини ўрганади ва 1891 йилда “Истилоий Туркистон” асарини, саёҳатдан сўнг эса таассуротларини жамлаб, “Бухоро ва Бокчасарой”, кейинчалик “Туркистон уламси” (1900), “Навоий Мир Алишер” (1902), “Туркистонда таълим” ва бошқа асарларини чоп этади [2]. 1908 йил Туркистонга ўзининг иккинчи сафари давомида Исмоилбек Гаспирали мактаб таълимидаги “Усули жадид” тизимида ислохотчилик ғоялари ижобий самаралар бераётганлиги, яъни маҳаллий миллат болалари усули савтия ёрдамида тез савод чиқараётганларига гувоҳ бўлади.

Натижа ва муҳокама. Туркистонда етишиб чиққан энг буюк ислохотчилардан бири бўлган Мунаввар қори Гаспиринскийга эргашиб, усули жадид мактабларида ўқитувчилик қилди, ҳам усули жадид мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлашда фаолият кўрсатди. Бу билан кифояланмаган Мунаввар қори усули жадид мактаблари учун дастлабки дарслик китобларини шахсан ўзи яратди. Мунаввар қори тарбиялаб етиштирган Эшонхўжа Хоний, Ҳусанхўжа Хоний, Шокиржон Раҳимий, Собиржон Раҳимий, Салимхон Тиллахон ўғли, Қаюм Рамазон каби ўқитувчиларнинг ғайрати билан Тошкентда усули жадид мактабларининг миқдори 16 тага етди. Бунинг натижаси ўлароқ Тошкентда тезлик билан амалга оширилган бу ҳаракатлар аввал Қўқон, кейинроқ эса Хива ва Бухорога ёйилди ҳамда қисқа фурсат ичида бу диний марказларда 100га яқин усули жадид мактаблари очилди [4].

Исмоилбей Гаспиралининг “Таржимон” газетасида олға сурилган қуйидаги ғоялар Туркистон жадидлари мактаб ва маориф соҳасидаги фаолиятларининг ҳам асосий йўналишини ташкил этди:

- миллий маориф тизимини ислох этиш;
- янги маориф тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва истеъдодли ёшларни илғор хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш учун “Жамияти хайрия”ларни ташкил этиш;
- миллий зиёлиларни етиштириш, фан, саноат ва халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича, шунингдек, давлатишларини юритувчи мутахассисларни тайёрлаш;



- қизлар учун алоҳида мактаблар очиш [7, Б.284-285].

Гаспиринскийнинг ўлка зиёлиларига берган таъсири ҳақида Тошкент жадидчиларининг отаси деб тан олинган Мунаввар қори 1927 йил Тошкент округ маориф ходимлари курултойида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Жадид мактаби ташкил қилғонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қорихоналарнинг етиштирган кишилари эди. Улар ёлғиз Боғчасаройда чиқадурғон Исмоил Гаспиринский газетасини ўқийдилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниб, китоблар олдираб эдилар” [5]. Шу фикрдан ҳам билиш мумкинки, Туркистонда янги усул мактабларини ташкил этилишида Исмоилбек Гаспиралининг ёрдами бениҳоя катта бўлган.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Исмоилбек Гаспирали “Усули жадид” номи билан тарихга кирган “Усули савтия”ни бошлаб берди. У XX аср Шарқининг энг машхур бўлган тараққийпарвар ҳаракати жадидчиликка асос солди. Миллий уйғониш даври маърифати ва маданиятига ўзининг катта таъсирини кўрсатган Исмоилбек Гаспирали Туркистон жадидларининг барча ишларида маънавий устоз вазифасини бажариб, бир гуруҳ илғор марифатпарвар, зиёлилар қатламини етиштирди.

Мусулмон дунёсини маънавий тараққиётга эришиш йўли орқали озодликка олиб чиқиш ғоясини дастлаб Исмоилбек Гаспирали илгари сурди. У шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб-маориф тизимида чинакам инқилоб ясади. Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг пешқадам намояндалари Исмоилбек Гаспиралини устоз деб билганлар ва уни чуқур ҳурмат қилганлар.

Адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2023 йил 23 декабр.
2. Ахмедов С. Тарихий ҳақиқат. Исмоилбек Гаспринский ва Туркистон / Масъул муҳаррир Наим Каримов/. Т.:“Шарқ”, 2005, 26-бет.
3. Begimqulov Z. Jadidchilik namoyondalarining faoliyatida kutubxonachilik masalalari. “Raqamlashtirish davrida kutubxona ekotizimlari: hamkorlik, integratsiya va innovatsiyalar” I Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi to‘plami I-qism, Toshkent-2024, 254-bet.
4. Долимов У. Исмоил Гаспринский ва Туркистонда усулижадид мактаблари. Исмоилбек Гаспринский ва Туркистон/Масъул муҳаррир Наим Каримов/. Т.:“Шарқ”, 2005, 82-бет.
5. Munavvarqori A. “Qizil O‘zbekiston” 1927-yil, 7-iyun. Ziyo uz. Com.
6. Темур Хўжа Усмонжон ўғли. Туркистонда жадид мактаблари // Хўр Туркистон учун. Анкара, 1976 йил, 15 май.
7. Шарипов Р., Мухиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). Т.:Тошкент Давлат юридик институти-2004, 42-бет.
8. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. Т.:Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси,1992.